# Abdulla Qodiriy va o`zbek romanchiligi



Адиблар хиёбонидаги ўйлар

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ

## (Ўзликни англаш мажмуаси)


**Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,**

**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор**


*қандай ижод намунаси ҳам ўзликни англатишга хизмат этувчи бадиий асар бўла оладими? Албатта, йўқ.*

*Бадиий асар ҳақида гап кетганда, биз қандай асарларни ҳақиқий адабиёт, деб баҳолашимиз керак, деган саволга жавоб*

*қилади. Чала ва чучмал адабиёт дидни ўтмаслаштиради. Жамиятнинг эстетик диди давлат ҳудуди каби мустаҳкам муҳофаза қилиниши ва муттасил ўстириб борилиши лозим бўлган маънавий мулкдир.*

*Шахси шаклланмаган, ички "мен"и қул қилинган, ҳар қандай замонга ва сиёсатга ўзини тез мослай биладиган ёзувчи ҳур, озод инсон руҳини тасвирлай олармикан?*

*Ижодкор изланиш йўлидаги мағлубиятдан чўчир экан, чинакам ғалабани*

тортиб, узоқ ўлкаларгача етиб борди. Абдулла Қаҳҳор хотираларида ўтган асрнинг 30-йилларида "Ўткан кунлар" татар қардошларимизнинг ҳам энг севимли асарларидан бири бўлганини, адибни "Абдулла оби" деб эъзозлашганини қайд этади.

"Ўткан кунлар" романининг шу қадар шуҳрат топишининг сири-синоати нимада? Назаримизда, бу саволга жавобни романнинг ўзидан, адибдан қолган хотиралардан излашимиз зарур. Атоқли

воқеликка муносабатда оғзаки ижро анъаналарига риоя этиш, воқеликни эпик формулалар асосига қуриш муҳим ҳисобланса, "Ўткан кунлар" мисолида биз романда ижодкорнинг қуввати, бадиий имкониятидан келиб чиқиб, воқеликка тамомила янгича бир ёндашувни кўрамиз.

Романга хос тафаккур, тил, услуб, қаҳрамон ва характерлар талқини ҳамда, энг муҳими, воқеликни поэтик идрок этишда бошқа жанрлардан тамомила фарқлилик,

шафқатсиз реалистик услубда тасвирланади. XIX асрдаги Туркистон тарихини кўз олдимизда аниқ-тиниқ гавдалантиради.

Бадиий сўз санъатидаги азалий мавзу — эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва эзгулик, зоҳир ва ботин ўртасидаги кураш романда Отабек ва Ҳомид, Кумуш ва Зайнаб, Юсуфбек ҳожи ва Азизбек, Мусулмонқул ўртасидаги кураш сифатида бадиий тимсолий тарзда шу даражада инжа акс этганки, ҳар саҳифасида биз қаҳрамонларнинг руҳиятига янада яқинроқ кириб борамиз, бу ҳолат туйғуларимизга таъсир қилади ва асар воқеларини, қаҳрамон кечинмаларини ич-ичимиздан ҳис этамиз.

Романда иштирок этган ўттизга яқин образ ўз қиёфаси, ўз характери, ўз нутқига эга. Бири иккинчисини такрорламайди. Асардаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим, Ҳасанали, Офтобойим каби ижобий, Ҳомид, Жаннат каби салбий образларнинг ташқи қиёфа тасвиридан тортиб, уларнинг нутқигача табиий, ўзига хос, маҳорат билан ёритиб берилган.

Бугунги дунё адабиётининг энг етакчи насрга хос воқеликка полифоник ёндашув, ички монолог, психологик таҳлил изларини биз илк аввал "Ўткан кунлар"да кўрамиз. Роман бош қаҳрамони Отабек ва Кумушнинг руҳий ҳолати тасвирлари фикримизнинг яққол далили бўла олади.

"Ўткан кунлар" структураси шу дара-